

«Тастиқланди»  
“О’ЗКИМЫСАНОАТЛОЙИНА”ОАЖ  
Акциядорларнинг умумий йигилишида  
Йигилиш раиси Р.Ш.Усаров  
18.10.2014 й. 19-сонли баённома

## Акциядорнинг умумий йигилиш ҳақида НИЗОМ

### 1. Умумий қоидалар

**1.1.** Мазкур Низом “O’zkimyosanoatloyiha” акциядорлар жамиятнинг Умумий йигилишини мақомини белгилайди ва ишини регламентлайди (матн давомида – Жамият), уни ўтказиш ва қарор қабул килиш тартибини белгилайди.

Акциядорларнинг Умумий йигилиши Жамиятнинг рахбарлик олий органи хисобланади.

**1.2.** Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлар Жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида” ги 370-ЎРҚ-сонли 06.05.2014-йилдаги Қонунига (матн давомида - Қонун) ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.3.** Акциядорларнинг Умумий йигилишини Жамиятнинг Кузатув Кенгаши раиси, у бўлмаган ҳолатда, узрли сабабларга кўра- Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

**1.4.** Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши шарт (йиллик акциядорларнинг умумий йигилиши).

**1.5.** Акциядорларнинг Умумий йигилиши, жамиятнинг Уставида белгиланган муддатларда. Лекин молиявий йил тугаганидан сўнг олти ойдан кечиктирмасдан ўтказилади. Акциядорларнинг Йиллик Умумий йигилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш кўмитасинисайлаш ҳақидаги. Якка хокимчиликдаги Ижроия органи билан шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалалар ҳал қилинади, ҳамда Жамиятнинг йиллик ҳисботи ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

**1.6.** Акциядорларнинг Умумий йигилиши йилликдан ташқари (бошқа) ўтказилса, у навбатдан ташқари хисобланади.

**1.7.** Акциядорларнинг Умумий йигилишининг санасини белгилаш ва ўтказиш тартибини, унинг ўтказилиш ҳақида акциядорларга хабар бериш, акциядорларнинг Умимий йиллик йигилишини ўтказишга тайергарлик кўриш, хужжатларини (ахборотларини) акциядорларга етказиш рўйхатини Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

### 2. Акциядорлар Умумий йигилишининг ваколатлари

**2.1.** Акциядорлар Умумий йигилишининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

А) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;

Б) Жамиятни қайта тузиш;

В) Жамиятни тугатиш, тугатиш кўмитасини тайинлаш ва оралиқ, ҳамда якуний тугатиш (ликвидация) балансини тасдиқлаш;

Г) Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибий сонини аниқлаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин тўхтатиши;

Д) Эълон қилинган акциядорнинг чегаравий микдорини аниқлаш;

С) Устав жамғармасини кўпайтириш ёки камайтириш;

Ж) шахсий (ўзига тегишли) акцияларни сотиб олиш;

3) Жамиятнинг ташкилий тўзилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг Ижроия органини ташкил этиш, Бош директорни сайлаш ва унинг ваколатини муддатдан олдин тўхтатиш;

И) Жамиятнинг Тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, ҳамда Тафтиш комиссияси ҳақида низомни тасдиқлаш;

К) Жамиятнинг аудиторини ва унинг хизматлари учун ҳақ тўлаш чегаравий миқдорини тасдиқлаш;

Л) Йиллик ҳисоботларни, бухгалтерия балансини, Жамиятнинг фойда ва заарнинг ҳисоб-китобини, унинг фойда ва заарини тақсимланишини тасдиқлаш;

М) Кузатув кенгаши ҳисоботларини ва Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича хulosаларини эшитиш, шунингдек Жамиятни бошқаруви бўйича Қонунчиликда белгиланган талабларига риоя этиши;

Н) Жамият томонидан корпоратив облигацияларини, шу жумладан акцияга конвертацияланувчиларни чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилиши;

О) Эркин қимматли қоғозларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши;

П) Имтиёзли ҳуқукларни қабул қиласлик ҳақида қарор қабул қилиши, ҳамда бундай қарорнинг фаолият муддати ҳақида овоз бериш ҳуқуқига акция эгаларининг кўпчилик овози билан акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашувчилари томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишида қарор қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг фаолият муддати бир йилдан кўп бўлиши мумкин эмас, бундай қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб. Имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган шахсларнинг рўйхати, қимматли қоғозларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш санасида Жамият акциядорларнинг рўйхати (реестри) асосида тузалади;

Р) Акциядорлар Умумий йиғилишининг регламенти (иш тартиби) ни тасдиқлайди;

С) Акциядорларнинг бўлинниши (дробление) ва бирлашиши (консолидация);

Т) Жамиятнинг Ижроия органига тўланаётган мукофотларни ва (ёки) компенсацияларни (бадал) ҳамда уларнинг чегаравий миқдорини белгилаш;

У) Кузатув кенгашига тўланаётган мукофотларни ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

Ф) Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш. Йирик битим деб - битим (шу жумладан заем, кредит, гаров, кафолат) ёки бир нечта бирғбери билан боғлиқ бўлган сотиб олиш ёки мусодара қилиш, ёки Жамият мулкини мусодора қилиш эҳтимоли бўлса, агарда мусодара қилинаётган мулкнинг баланс нархи, ёки бундай битим тузиш ҳақида қарор қабул қилиш санасида Жамиятдаги тоза активлар миқдори сотиб олинаётган мулк нархидан ўн беш фоиз кўп бўлса, ҳозирги вақтда хўжалик фаолиятини юритиш, ҳамда акция ва бошқа қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш жараёнидаги битимлардан ташқари тузиладиган битимлар ҳисобланади. Йирик битим тузиш ҳақидаги қарор қабул қилиш санасида Жамиятнинг тоза активлар миқдоридан ўн беш фоиздан эллик фоизгача бўлган мулкнинг, баланс нархи ёки уни сотиб олиш предмети ҳисобланган йирик битим тузиш ҳақидаги қарорни бир овозда Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари томонидан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгаши аъзолигидан чиқкан овозлар ҳисобга олинмайди. Агарда йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан яқдилликка (бир овоз) эришилмаган ҳолатда, Кузатув кенгаши қарори бўйича йирик битим тузиш ҳақидаги масалани ҳал этилиши акциядорларнинг Умумий йиғилишига қўйилиши мумкин.

Йирик битим Жамиятнинг Ижроия органи томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёки у бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинганидан сўнг, амалга оширилади. Жамият томонидан битим тузилишига манфаатдор (қизиқувчи) шахслар, мазкур Жамиятга аффиланган ҳисобланади. Жамиятга аффиланган шахслар деб қуидагилар ҳисобланади:

- Ушбу Жамиятнинг йигирма ва ундан кўп фоиз акциясига эга юридик шахслар;

- Ушбу Жамиятнинг йигирма ва ундан кўп фоиз акциясига эга, яқин қариндошлари билан биргаликдаги жисмоний шахслар;

- Кузатув кенгаши аъзоси ва директор ваколатини амалга оширувчи шахс, ёки акциядорлик Жамиятини бошқарувчи аъзоси;
- Акциядорлик Жамияти Устав капиталининг 20 ва ундан кўп фоизга эга юридик шахс;
- Акциядорлик Жамиятининг шўъба хўжалик Жамияти;
- Акциядорлик Жамияти ҳисобланган шўъба Жамиятнинг худди ўша шўъба хўжалик Жамият ҳисобланувчи юридик шахс;
- Акциядорлик Жамиятнинг 20 ва ундан кўп фоизга эга юридик шахс;
- Акциядорлик Жамиятни Кузатув кенгашиниг камидаги 1/3 ташкил этувчи, шу шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари, ўша шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари Кузатув кенгашининг камидаги 1/3 ташкил этувчи юридик шахслар;
- Директор ваколатини бажарувчи ёки акциядорлар Жамиятни бошқарувчи аъзолари, яқин қариндошлик шахс билан биргаликда Кузатув кенгаши таркибининг камидаги 1/3 ташкил этувчи юридик шахс;
- Хўжалик бирлашмаси ушбу Жамият билан бирга кирувчи юридик шахс.

Х) Жамиятнинг ушбу Уставида ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кун тартибига кирмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиши, ҳамда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга хуқуки йўқ.

**2.2. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, ҳамда овоз бериш натижалари амалдаги Қонунда ва Жамият Уставида кўзда тутилган тартибда ва муддатларда акциядорга етказилади, лекин ушбу қарорлар қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан.**

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида давлат вакилари иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, ҳамда уларга вето қўйилганлар, қонунчиликда белгиланган тартибда, ижро этилмайди.

Акциядор, акциядорларнинг Умумий йиғилишида қабул қилинган қарор юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақли, агарда у узрли сабаблар билан акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашмаган бўлса ёки бу қарорга нисбатан у қарши овоз берган бўлса.

### **3.Акциядорнинг Умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқи.**

#### **Акциядорларни рўйхитга олиш**

#### **ва уларнинг вакилларининг ваколатлари**

**3.1. Акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқига акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиш санасидан уч кун олдин шаклланган акциядорлар Жамияти реестрида (рўйхатида) қайд этилган акциядорлар эга.**

**3.2. Акциядорнинг талабига кўра Жамият уни шаклланган акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиш учун акциядорлар Жамияти реестрига киритганлиги ҳақида маълумот бериши шарт.**

**3.3. Шаклланган акциядорлар Жамияти реестрига ўзгартиришларни, қонунчиликда белгиланган тартибда факат уни тузиш санасида кўрсатилган реестрга киритилмаган, хуқуклари бузилган шахсни тиклаш. Ёки уни тузишда йўл қўйилган ҳатоликларни тузатиш ҳолатларида, киритилиши мумкин.**

**3.4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақидаги хабарнома Жамиятнинг расмий Веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Ҳамда электрон почта орқали камидаги етти кун олдин акциядорларга юборилади, лекин акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиш санасигача ўттиз кун аввал юборилмайди.**

**3.5. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида камидаги етти кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.**

**3.6. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳақидаги хабарнома қўйидаги мазмунда бўлиши керак:**

- Жамиятнинг номи, манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Умумий йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- Жамият акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси;
- Умумий йиғилиш кун тартибига киришилган масалалар;
- Умумий йиғилишга тайергарлик кўриш ва ўтказишда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборотлар (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини тиништириш тартиби.

**3.7.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилларига тақдим этиладиган ахборотларга (материалларга) қуидагилар киради: Жамиятнинг йиллик ҳисботи, Жамиятнинг йиллик молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ва аудитор ташкилотнинг хулосаси, якка хокимлиқдаги Ижроия органи, ишончли бошқарувчи билан шартнома муддати узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш эҳтимоли хақида Жамиятнинг Кузатув кенгашининг хулосаси, Жамиятнинг Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссия азоларига номзодлар ҳақида маълумотлар, Жамият Уставига киритиладиган ўзгаришилар ва қўшимчаларнинг лойихалари, ёки Жамият Уставий янги тахрирдаги лойиҳаси.

**3.8.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун келганакциядорларни рўйхатга олиш паспортни ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатни тақдим этилишида амалга оширилади, вакилга нисбатан эса нотариусда тасдиқланган ишончнома орқали амалга оширилади.

**3.9.** Жамият раҳбари – акциядор юридик шахс, акциядорларнинг Умумий йиғилишида ўзининг ваколатини лавозимга тайинлаш ҳақидаги лавозим бўйича хукукий далолатномани ва шахсини тасдиқловчи хужжатни тақдим этилганида амалга оширилади.

**3.10.** Акциядорнинг вакилиюридик шахс акциядорларнинг Умумий йиғилишида, ташкилот раҳбарининг ёки ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган таъсис хужжатлари билан унга бу ваколатга эга бошқа шахснинг имзоси билан унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлганида иштирок этиши мумкин.

**3.11.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш учун келган акциядорларни рўйхатга олиш (қайд этиш), кузатув кенгashi қарори билан белгиланган санада Жамият акциядорлар Жамиятнинг реестридаги маълумотлар бўйича тўзилади, унда Умумий йиғилишда қатнашиш хукуқига эга акциядорларнинг рўйхатига мувофиқ олиб борилади.

**3.12.** Умумий йиғилишда қатнашиш хукуқига эга акциядорларнинг рўйхатига мувофиқ, акциядорларнинг қайд этиш (регистрация қилш) рўйхати тузилади.

**3.13.** Умумий йиғилиш ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатида имзо қўйишади ва акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга акциядорлар рўйхати бўйича аниқланган овоз берувчи ҳар бир акциядорнинг акцияси сонидан келиб чиқиб, овоз бериш учун бюллетен комплектини олишади.

**3.14.** Агарда акциядорлар Умумий йиғилиши иштирокчиси битта ёки бир нечта акциядорларнинг талабини (манбаатини) билдириб, ишончнома тақдим этса, унга вакил бўлган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, қайд этиш рўйхатида вакил бўлган акциядорнинг фамилияси рўпарасига қуидаги ёзув ёзиб қўйилади “\_\_\_” даги \_\_\_ сонли ишончнома бўйича овоз бериш акциялар (сони) бўйича ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

**3.15.** Номинал акция эгаси (акциядорлар), акция мулқдори (эгаси) томонидан берилган ва ушбу Низомнинг 3.14 бандига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

**3.16.** Жамиятнинг жами камидан бир фоиз овоз бериш акциялар эга акциядорлар (акциядор), Жамиятнинг молиявий йили тугаганидан сўнг ўттиз кундан кечиктирилмаган муддатда, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш хукуқига эга ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодларни таклиф этиши мумкин, уларнинг сони бу органнинг таркибий сонидан ошмаслиги керак.

**3.17.** Акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгашига Тафтиш комиссиясиги таклиф этилган номзодлар руйхатига ўзгартириш киритиш хукуқига эга, бунда акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказилиш ҳақида хабарнома эълон қилинган кундан уч иш кунидан кечиктирмасдан ўзгартириш киритилади

**3.18.** Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодларни курсатиш ҳақидаги таклифлар киритишида, шу жумладан, ўзини ўзи таклиф этилган ҳолатда, номзоднинг исми, унга тегишли бўлган акциялар сони ва тури кўрсатилади (ёзилади), ҳамда номзодни кўрсатаётган (таклиф этаётган) акциядорларнинг исми (номланиши), уларга тегишли бўлган акциларнинг сони ва турлари кўрсатилади (агарда номзод Жамиятнинг акциядори бўлиб хисобланган ҳолатида)

**3.19.** Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масалалар, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар руйхатига киритилши шарт бўлган, таклиф этилган номзодлар каби, акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибида киритилиши керак.

#### **4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик**

**4.1.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайергарликни Кузатув кенгаши олиб боради (ўтказади), у қуидагиларни белгилайди:

- Умумий йиғилиши ўтказиш санасини, вақтини ва жойини;
- Умумий йиғилиш кун тартибини;
- Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириши санасини;
- Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш тартибини;
- Умумий йиғилиш ўтказишга тайергарлик кўришда акциядорларга ва давлатвакилига тақдим этиладиган ахборотлар (материаллар) рўйхатини;
- Овоз бериш учун бюллетеннинг шаклива матнини.

**4.2.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабарнома Жамиятнинг расмий Веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, ҳамда акциядорларга электрон почта орқали камида етти кундан кечиктирмасдан етказилади, лекин акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиш санасига ўттиз кун аввал етказилмайди.

**4.3.** Жамият давлат вакилини акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиш санасигача камида етти кундан кечиктирмасдан ёзма равища хабардор қилиши шарт.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқига, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиш санасига уч иш кунидан олдин шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар эга.

Акциядорлар талабига кўра Жамият унга, акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларнинг реестрига уни киритилганлиги ҳақида маълумотни тақдим этиши шарт.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабарнома қуидаги мазмунда бўлиши керак:

- Жамиятнинг номи, манзили ва электрон почта манзили;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказилиш сана, вақт ва жойи;
- Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибида киритилган масалалар;
- Акциядорларни ва давлат вакилини акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборотлар билан таништириш тартиби.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайергарлик кўришда акциядорлар ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборотларга қуидагилар киради: Жамиятнинг йиллик хисоботи, Жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш

натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, директор билан ва ишончли бошқарувчиси билан шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш эҳтимоли ҳақида Жамиятнинг Кузатув кенгашиning хulosаси, ҳамда Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимча лойиҳаларини киритиш, ёки янги таҳрирдаги Жамият Устави лойиҳаси ҳақидаги маълумотлар, Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига аъзолигича номзодлар ҳақидаги маълумотлар. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиши тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши учун мажбурий бўлган қўшимча ахборотларнинг рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлат органининг вакили белгилаши мумкин.

Акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (ревизор) улар томонидан таклиф этилган номзодлар рўйхатига, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълон қилинган санадан уч иш кунидан кечиктирмасдан ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

**4.4.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига масалаларни, уни қўйиш сабабларини, масалани қўяётган акциядорларнинг исмини (номланишини), унга тегишли акцияларнинг сонини ва турини ёзма равишда кўрсатиб, киритилади.

Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш ҳақидаги таклифни киритишда, шу жумладан ўзини-ўзи номзодини кўрсатиш ҳолатида, номзоднинг исми, унга тегишли бўлган акциялар сони ва тури кўрсатилади (агарда номзод Жамиятнинг акциядори ҳисобланган ҳолатида), шунингдек номзоднинг таклиф этиб кўрсатаётган акциядорларнинг исми, уларга тегишли бўлган акциялар сони ва тури кўрсатилади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва уларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тиришибига киритилиши ҳақидаги ёки кўрсатилган кун тартибига киритишни рад этиш ҳақидаги қарорни, ушбу Низомнинг 3.17., 3.18. бандларида белгиланган муддатлар тугагандан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан қабул қилиши керак.

**4.5.** Акциядорлар киритган масала, акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси сайлови бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатини киритилиши шарт бўлган номзодларни кўрсатиш каби тенг бўлган ҳолат киритилади, қўйидаги ҳолатлар бундан истисно:

- акциядорлар томонидан ушбу Низомдаги 3.17 бандда белгиланган муддатга риоя этилмаганда;

- акциядорлар ушбу Низомдаги 3.17 бандида назарда тутилганидек Жамиятнинг овоз бериш акцияси сонига эга ҳисобламаганда;

- агарда Жамиятнинг сайлов органларига номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаганида;

- таклифлар ушбу Қонун талабларига мос бўлмаганида.

**4.6.** Акциядорларнинг Жамият йиғилиши кун тартибига масалани киритилишини рад этиш ёки Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига номзодни киритилишини рад этиш ҳақидаги Жамият Кузатув кенгашининг асосланган қарори, масалани киритган ёки таклифни тақдим этган акциядорларга, уни қабул қилиш санасидан уч кундан кечиктирмасдан юборилади.

**4.7.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига масаланинг аниқ мазмунини билдиримайдиган фикрларга йўл қўйилмайди (фикрлар ёзилмайди) (шу жумладан “ҳар хил”, “бошқа”, “ўзга”, “бўлак” ва м.к.).

**4.8.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритишни рад этиш ҳақидаги ёки Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига номзодни киритишни рад этиш ҳақидаги Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори бўйича судга шикоят қилиниши мумкин.

## **5. Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни ұтказишига тайёргарлик**

**5.1.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши асослар бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори бўйича ұтказилади:

- унинг шахсий ташаббускорлиги;
- Тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг талаби;
- Ёзма талаби тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз бериш акцияларининг камидаги беш фоизига эга ҳисобланган, акциядор талаби.

**5.2.** Жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг ёки Жамиятнинг овоз бериш акцияларининг камидаги беш фоизига эга ҳисобланган акциядорнинг ёзма талаби бўйича акциядорларнинг навбатдан таўқари Умумий йиғилишини чакиришини Жамиятнинг Кузатув кенгаси, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ұтказиш ҳақидаги ёзма талаби тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан амалга оширади.

**5.3.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ұтказиш ҳақидаги талабида кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларнинг киритиш сабабларини кўрсатиш билан ифодаланиши керак.

**5.4.** Жамиятнинг Кузатув Кенгаси, Жамиятнинг овоз бериш акцияларининг камидаги беш фоиз акцияларига эга ҳисобланган акциядор ёки Жамиятнинг Тафтиш комиссияси талаби бўйича чиқарилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиқилиши кун тартибидаги масалалар таърифига ўзгартериш киритишга ҳукуқи йўқ.

**5.5.** Агарда акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш ҳақидаги талаб акциядор томонидан келиб чиқсан ҳолатида, унда йиғилишини чакиришини талаб этган акциядорнинг номи (номланиши), унга тегишли бўлган акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши керак.

**5.6.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш ҳақидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакиришини талаб этган шахс томонидан имзоланади.

**5.7.** Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг овоз бериш акцияларининг камидаги беш фоизига эга ҳисобланган акциядор талаби тақдим этилган санадан бошлаб ўн кун давомида акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш ҳақида Жамиятнинг Кузатув кенгаси томонидан қарор қабул қилиниши ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чакиришига рад этиши ҳақида қарор қабул қиласди.

**5.8.** Жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг ёки жамиятнинг овоз берши акцияларининг камидаги беш фоизига эга ҳисобланган акциядорнинг талаби бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакиришини рад этиш ҳақидаги қарор қўйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин, агарда:

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакиришини талаб қилган акциядор, талаб тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз бериш акцияларининг камидаги беш фоизига эга бўлмаган деб ҳисобланса;

- Акциядорларнинг (навбатдан ташқари) Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан ҳеч бири унинг ваколатига кирмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала мазкур Конун талабларига мувофиқ (мос) бўлмаса.

**5.9.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш ҳақида ёки уни чакиришини рад этиш ҳақидаги асосланган Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори, уни чакиришини талаб қилган шахсларга, уни қабул қилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан юборилади.

**5.10.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакиришини рад этиш ҳақидаги Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори судга шикоят қилиниши мумкин.

**5.11.** Агарда мазкур Конунда белгиланган муддат давомида Жамиятнинг Кузатув кенгаси томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чакириш

ҳақида қарор қабул қилинмаганда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганида, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши, уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бу ҳолатда акциядорларнинг Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ҳаражатлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича Жамиятнинг маблағлари ҳисобига тўланиши мумкин.

## **6. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида акциядорларнинг ва давлат вакилининг қатнашиш тартиби**

**6.1.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқи акциядорнинг шахсан ўзи ёки ўзининг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида давлат вакилининг қатнашиш хуқуқи шахсан ўзи томонидан амалга оширилади.

**6.2.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида акциядор ўзининг вакилини ҳоҳлаган вактда алмаштиришга ҳақли ёки шахсан ўзи қатнашиши мумкин.

**6.3.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида акциядорнинг вакили ёзма равишда тузилган ишончнома асосида фаолият юритади. Овоз бериш учун ишончномада қўйидаги мазмунда бўлиши керак: кимнинг вакили ва вакилнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар (исми ёки номланиши, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспортдаги маълумотлар). Жисмоний шахс номидан овоз бериш учун ишончнома нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз бериш учун ишончнома шу корхона раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри босилиши билан берилади.

**6.4.** Агарда Жамиятнинг акцияси бир нечта шахсларнинг умумий улуш эгалигига бўлган ҳолатида, унда акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш бўйича хуқуқи уларнинг ихтиёрига (қарори) қараб, умумий улуш эгалиги қатнашчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатилган ҳар бир шахсларнинг ваколати тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

## **7. Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг кворуми**

**7.1.** Агарда акциядорларнинг Умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатга олиш тугаган вактида, Жамиятнинг овоз берувчи жойлаштирилган акцияларнинг жами, эллик фоиздан кўп овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қонуний хукуққа эга бўлади (кворумга эга).

**7.2.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум йиғилмаса (бўлмаса) акциядорларнинг Умумий йиғилишини такроран ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини такроран ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

**7.3.** Ўтказилмаганнинг ўрнига чакирилганда, қонуний хукуққа эга бўлади, агарда акциядорларнинг Умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатга олиш тугаган вактида, Жамиятнинг овоз берувчи жойлаштирилган акцияларнинг жами қирқ фоиздан кўп овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такроран чақирилган Умумий йиғилиши, қонуний хукуққа эга бўлади.

**7.4.** Акциядорларнинг такроран Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар Қонунчиликда кўзда тутилган муддатларда ва шаклда амалда оширилади, Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, ҳамда электрон почта орқали акциядорларга уни ўтказилиш санасигача етти кундан кечиктирмасдан юборилади.

**7.5.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси (бошқасига кўчирилган) кворум бўлмаганлиги сабабли кўчирилганда, Умумий йиғилишда қатнашиш хукуқига эга акциядорлар камида йигирма кун олдин, акциядорлар реестрига мувофиқ, Умумий йиғилиш ўтказилмаганда қатнашиш хукуқига эга акциядорлар аниқланади.

## **8. Акциядорларнинг Умумий йиғилиш ишчи органи**

**8.1.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиш ишчи органи бўлиб қуидагилар ҳисобланадилар: йиғилиш раиси, саноқ комиссияси, йиғилиш котибаси.

**8.2.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиш раиси йиғилишни олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини тегишли даражада бажариш учун зарур бўладиган барча ваколатларга эга бўлади.

**8.3.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши раиси йиғилишни олиб борилишига раҳбарлик қиласди, Умумий йиғилиш ишчи органларининг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради (бошқаради), масалаларнинг муҳокама қилиш тартибини белгилайди, йиғилишни олиб борилиши ва овоз бериш бўйича тушунтиришлар беради.

**8.4.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатга олиш, овоз берилишини санаш учун, ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан овоз бериш, бюллетенларини бериш учун саноқ комиссияси тузилади, сони ва персонал таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланади.

**8.5.** Саноқ комиссияси таркибида камидан учта кишидан кам бўлмаслиги керак. Саноқ комиссияси таркибида Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолари, Жамиятнинг директори, ишончли бошқарувчилар, ҳамда шу лавозимга тавсия этилган шахслар ҳам кириши мумкин эмас.

**8.6.** Саноқ комиссия акциядорларнинг Умумий йиғилиши кворуми мақжудлигини аниқлайди, Умумий йиғилишда овоз ҳуқуқига эга акциядорлар томонидан бажариш билан боғлиқ вужудга келган масалаларни тушунтиради, овоз беришга чиқарилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартибини ва овоз беришда қатнашишга акциядорларнинг ҳуқуқини таъминлайди, овозларни санайди ва овоз бериш натижаларини чиқаради, овоз бериш якуни ҳақида протокол тузади, овоз бериш учун бюллетенларни Жамиятнинг архивига топширади.

**8.7.** Акциялар сони 500тадан кўп бўлган овоз берувчи акциядор эгалик қилувчилар Жамиятида саноқ комиссия вазифасини Жамиятнинг маҳсуслаштирилган реестр сақловчи (рўйхат ушловчи)га юклатилиши мумкин.

**8.8.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш “Жамиятнинг битта овоз берувчи акцияси-битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига сайловлар бўйича кумулятив (кўпчилик овоз беришни ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно.

**8.9.** Акциядорларнинг Умумий йиғилидшида кун тартиби масалалари бўйича овоз берилиши, овоз бериш учун бюллетенларда амалга оширилади.

**8.10.** Овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан эмас, чакирилган ҳолатда бундан мустасно. Овоз бериш учун бюллетен Умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

**8.11.** Овоз бериш учун бюллетен қуидаги мазмунда бўлиши керак: Жамиятнинг тўлиқ фирмали номини, акциядорларнинг Умумий йиғилишининг ўтказиш санасини, вақтини ва ўтказиш жойини, овозга қўйилган ҳар бир масаланинг аниқ таърифини, “тарафдор”, “қарши”, “бетараф” каби аниқ ифодаланган сўзлар бўлади (кумулятив овоз бериш бундан мустасно, бундаги масала овоз бериш учун қўйилганида “тарафдор” сўзи билан ифода этилади), бу ҳақидаги ифодаланган сўзлар бўлади, овоз бериш учун бюллетен акциядор томонидан имзоланади.

**8.12.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссиясига аъзоларни сайлаш ҳақидаги масала бўйича овоз бериш ҳолатида оаоз бериш учун бюллетен, номзод ҳақидаги маълумотларда унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши керак.

**8.13.** Овоз беришда, овоз бериш варианtlари эҳтимолидан фақат биттаси қолдирилган овоз бўйича, ўша масаладаги овоз ҳисобланади. Овоз бериш учун бюллетенлар,

кўрсатилган талаблар бузилган ҳолатда тўлдирилган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва улардаги масалалар мазмуни бўйича овозлар ҳисобланмайди.

**8.14.** Агарда, овоз бериш учун бюллетен, овоз беришга қўйилган битта ёки бир нечта саволлар қўйилган бўлса. Мазкур Низомга нисбатан 13§да (бандида) кўрсатилган талабларга риоя этилмаса, овоз бериш учун бюллетенни тўлиқ ҳақиқий эмас деб топиш ўз ичига кирмайди.

**8.15.** Саноқ комиссияси унга юклатилган вазифаларни ижро этиш қисмида, йиғилишнинг доимо фаолият юритувчи, мустақил ишчи орган ҳисобланади ва Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилгани бўйича акциядорларнинг Умумий йиғилишида сайланади.

**8.16.** Саноқ комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг Умумий йиғилишида уларни сайлаш вақтидан бошлаб, акциядорларнинг (йиллик ёки навбатдан ташқари) тегишли йиғилишида саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланган вақтгача (ёки қайта сайлаш).

**8.17.** Овоз бериш натижалари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш натижалари ҳақидаги протокол тузади, шу жумладан акциядорларнинг Умумий йиғилиши кворуми ҳақидаги маълумотлар, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

**8.18.** Овоз бериш натижалари ҳақидаги протоколни тузганидан кейин ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколи имзо қўйилганидан кейин, овоз бериш учун бюллетенлар архивига сақлаш учун топширилади.

**8.19.** Овоз бериш натижалари ҳақидаги протокол акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколига қўшилиши керак.

**8.20.** Овоз бериш натижалари акциядорларнинг Умумий йиғилиши эълон қилинади, унинг жараёнида овоз бериш ўтказилган ҳолатида, шунингдек акциядорларнинг маълумоти учун етказилади, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг, овоз бериш натижалари ҳақида хисботини нашр этиш йўли билан акциядорларга етказилади.

## **9. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини (ўтказиш) олиб бориш тартиби**

**9.1.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишини олиб бориш тартиби Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг ҳар бирига мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

**9.2.** Йиғилиш раиси (Кузатув кенгаши раиси, узрли сабабларга кўра у йўқ бўлган ҳолатида – йиғилишни Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради) йиғилишни олиб бориш учун ишчи Хайиат (Президиум) ни ва Умумий йиғилиш котибасини сайлашни таклиф киритади.

**9.3.** Акциядорлар (томонидан) ташаббуси бўйича чақирилган, Умумий йиғилиш Хайиати таркибини тасдиқлаш бўйича овоз бериш Жамиятнинг Уставида ўрнатилган тартибда олиб борилади.

**9.4.** Акциядорларнинг Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби вақтни ва йиғилиш иши тугашини тахмин қилиб, назарда тутади, сўзга чиқиши давомийлигини ва танаффусни, кун тартибидаги масалаларнинг кетма-кетлигини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилияси ва лавозимини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини (амалга оширади) назарда тутади.

**9.5.** Йиғилиш жараёнида келиб чиқувқчи ҳар хил масалалар (саволлар)ни раис ўзи мустақил ҳал этади, асосий принципдан келиб чиқсан ҳолда: муҳокама қилинадиган масалалар бўйича Акциядорларнинг Умумий йиғилишида сўзга чиқиш ҳукуқидан ҳар бир қатнашчи, унга ажратилган вақт чегарасида фойдаланиши мумкин.

**9.6.** Кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамасида қатнашишни ҳоҳловчилар, муҳокама учун масалани (саволни) кўрсатиш билан ёзма равища Умумий йиғилиш котибасига ариза беришади.

**9.7.** Кун тартибидаги барча масалалар мұхокама қилингач, раис акциядорларнинг Умумий йиғилишини ёпік деб эълон қилади.

## **10. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколи**

### **10.1.** Умумий йиғилиш котиби:

- умумий йиғилиш олиб боришини ёзіб боради;
- ёзма равищдаги аризалар бүйича йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг мұхокамасыда қатнашишни ҳохловчилар рўйхатга олиб боради;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколини (баённома), акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан икки нусхада тузади.

**10.2.** Протоколнинг иккала нусхаси акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилувчи ва Акциядорларнинг Умумий йиғилишида котибалик қилувчи томонидан имзоланади.

**10.3.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколида қуидагилар ёзилади (кўрсатилади):

- акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- жамиятнинг овоз бериш акциясига эга акциядорларнинг умумий овозлар сони;
- Умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорлар эгалик қилувчи овозлар сони;
- Умумий йиғилиш раиси ва котибаси, йиғилиш кун тартиби;
- сўзга чиқувчиларнинг асосий низомлари (холати), овозга қўйилган масалалар, ва улар бүйича овоз бериш натижалари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар.

**10.4.** Саноқ комиссиясининг протоколи йиғилишнинг алоҳида қарори билан тасдиқланмайди, маълумот учун қабул қилинади ва Умумий йиғилиш протоколига биректириб қўйилиши керак.

**10.5.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколи имзоланғандан кейин саноқ комиссияси Умумий йиғилишдаги қайд этиш рўйхатини, овоз бериш учун мұхрланған бюллетенларни, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланған, овоз бериш натижалари ҳақидаги протоколларни ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколини ҳам ичига олган йиғилиш хужжатларини Жамиятнинг архивига сақлаш учун топширишади.

## **11. Акциядорларнинг Умумий йиғилиш қарорларини бажариш**

**11.1.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларини бажарилишининг назоратини Жамиятнинг Кузатув кенгаши амалга оширади, агарда қарорда бошқача ёзилмаган ва Акциядорларнинг Умумий йиғилиши протоколида бошқача акс эттирилмаган бўлса.

**11.2.** Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорлари барча акциядорлар томонидан бажариш учун мажбурийдир, яъни уларга тегишли қисми, акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашувчилар ва қатнашмаётганлар томонидан.